



Абу Бакр ҳам: «Аллоҳга қасам, биз ҳам худди шундай ҳолатга тушамиз», деди. Шунда Абу Бакр икковимиз бориб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирдик. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, Ҳанзала мунофиқ бўлиб қолди», дедим. У зот: «**Нима бўлди?**» дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, ҳузурингизда бўлганимизда бизга дўзах ва жаннатни эслатасиз. Ҳаттоки уларни кўз билан кўргандек бўламиз. Лекин ҳузурингиздан чиқиб, аёлларимизга, бола-чақамизга, тирикчилигимизга аралашиб қолиб, кўп нарсани эсдан чиқарамиз», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, агар сизлар доим менинг ҳузуримда бўлган ҳолатингизда ва (Аллоҳни) зикр қилишда бардавом бўлсангиз, ётоғингизда ва йўлларингизда фаришталар сизлар билан қўл бериб кўришган бўлар эди. Лекин, эй Ҳанзала, (инсон қалби) гоҳ ундай, гоҳ бундай бўлади**» деб, уч марта қайтардилар».

*Имом Муслим ривояти.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

